Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

# Халқ сўзи

Газета 1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

12 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА № 178 (429). 1992 йил

Сотувда эркин нархда

## ХАЛҚИМ ҚАДДИН ЖАҲОНГА БЎЙЛАТГАН БАЙРАМ, АБАД БЎЛГИН МУЗАФФАР ҲАМ СОБИТҚАДАМ!

**Она юртимиз мустақиллигининг бир йиллик тантаналари бутун ер юзи бўйлаб акс садо берди. Газетамизнинг ушбу сони ана шу улуғвор айём якунларига бағишланган ўзига хос сарҳисобдир. Истиқлолнинг иккинчи йилига қадам ташлаяпмиз. Илоҳим, бундан буён ҳам диёримиздан тинчлик-хотиржамлик, файзу барака аримасин.**













МАМЛАКАТИМИЗ ТУПРОҒИДА ЯШАБ ТУРГАН ВА УЗИНИ ВАТАНПАРВАР ДЕБ ҲИСОБЛАГАН ҲАР БИР КИШИ УНИНГ ЯХЛИТЛИГИНИ ВА БИРЛИГИНИ АСРАБ-АВАЙЛАШИ ШАРТ.





БИЗ МУСТАҚИЛ УЗБЕК ДАВЛАТИНИНГ ПОЙДЕВОРИНИ ҚУРМОҚДАМИЗ. МИНГ ҚАТЛА ШУКРКИ, ТИЛИМИЗНИ, ДИЛИМИЗНИ, УРФ-ОДАТЛАРИМИЗНИ БУТКУЛ ЙУҚОЛИБ КЕТИШ ХАВФИДАН САҚЛАБ, УЛАРНИНГ АЗАЛИЙ МАЗМУНИ ВА ҚУДРАТИНИ ТИКЛАШГА УТДИК.









## «БИЗ ЛОЛ ҚОЛДИК!»

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТОШКЕНТДА БУЛИБ УТГАН ТАНТАНАЛАР ҲАҚИДА АНА ШУ БАЙРАМДА ИШТИРОК ЭТГАН ЧЕТ ЭЛЛИК ДИПЛОМАТЛАР ШУНДАЙ ДЕЙИШМОҚДА.**

**«МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАГИ ШОДИЁНАЛАР ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ УЛКАН МУВАФФАҚИЯТИНИ, УНИНГ ЖУМҲУРИЯТ ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТИ БОБИДА ТАНЛАГАН ЙУЛИ НАҚАДАР ТУҒРИ ЭКАНЛИГИНИ ЯНА БИР БОР ИСБОТЛАДИ», — ДЕЯ ЭЪТИРОФ ҲАМ ЭТИШДИ УЛАР.**

АҚШнинг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили М. Э. Матера ва шу элчихонанинг сиёсий ишлар бўйича маслаҳатчиси Ч. Э. Фрид ҳам Президент И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилингач ўтган бир йил ичида эришган ютуқлари ҳақидаги нутқи ўзларида чуқур таассурот қолдирганлигини айтдилар. Чет эллик меҳмонлар ўз суҳбатларида жумҳуриятимиз раҳбариятининг оғир-босиқлиги, ички ва ташқи сиёсат бобидаги саводхонлиги шарофати билан Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий, этник муносабатларда бирмунча илгарилаб кетганлигини таъкидламоқдалар. «Бугун мен бир қанча миллатларнинг бирдамликда ўтказган ҳақиқий оташин байрамига ўзим гувоҳ бўлдим. Оппозиция қаёқда қолди, улар бунга нима деркинлар?» — дейди М. Э. Матера.

ХХР элчиси Гуан Хенгуан, Ҳиндистоннинг муваққат ишлар вакили А. Қ. Мукержи, Олмония элчиси Қ. Куна ҳам Ўзбекистоннинг ўтган бир йил ичида эришган ютуқларидан лол эканлигини изҳор қилдилар. Жумладан, Олмония элчиси Қ. Куна Ўзбекистон ўтган қисқагина бир йил давомида турли соҳалар бўйича юксак тараққий этган мамлакатлар ҳам эришиши қийин бўлган муваффақиятларни қўлга киритганлигини айтди. Дипломатлар яна шуни ҳам алоҳида таъкидладиларки, улар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўз нутқида баён қилган ҳолатларни, айниқса, республикадаги сиёсий аҳволни ҳар жиҳатдан барқарорлаштириш масаласидаги сиёсатини ошкор қўллаб-қувватлашга тайёр.

Туркия элчиси В. Чотир, Покистон элчихонасининг учинчи котиби З. Жанжуа, Франция элчиси Ж. П. Везиан жанобларининг айтишича, бу умумхалқ байрамида намойиш этилган маданий дастурлар ўзбек халқининг, бир ерда яшаётган турли миллат вакилларининг санъати, бой анъаналари, ўзига хос миллий руҳини намоён этувчи кутилмаган янгилик бўлди.





